

## № НВ 14/22 сонли

Лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хulosасини олиш ишларини тайёрлаш ҳакида пуррат  
**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил “31 ”август

Андижон шахри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят худудий бошқармаси бошлиғи М. Ахунов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Лойихачи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “ARXSTROYSERVIS” КТИЧКИК ва унинг раҳбари Қ.Исмонов иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Лойихачи”: Кўрғонтепа тумани Янги хаёт МФИда янги қурилаётган кўп қавтли уй-жойларнинг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш учун лойиха олди ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертиза” ДУК хulosасини олиш ишларини тайёрлаш ЛОТ №22110012138581 обьекти бўйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва обьект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хакқини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойихачи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «30 кун» мобайнида ШНК 1.02.09-15 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Лойихачи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси биланбелгиланган

1.5 “Лойихачи” “Буюртмачи” нингрухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳаклидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойихачи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи хисобидан амалга оширилади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### 2.1 “Лойихачи”нинг мажбуриятлари:

- “Лойихачи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошка бошлангич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари)нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳакида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Лойихачи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳакли эмас.

#### 2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган микдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Лойихачи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Лойихачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар)нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

### **3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи**

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати **92 000 000 (Тўқсон икки миллион)** сўм бўлиб,

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Лойихачи”га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** миқдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **27 600 000 (Йигирма етти миллион олти юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

3.2 Қолган **64 400 000 (Олтмиш тўрт миллион тўрт юз минг)** сўм тўлов 2022 йилда ушбу обьект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади.

3.3 “Буюртмачи” “Лойихачи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Лойихачи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аникланади.

4.3 “Лойихачи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисбот хужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланганди, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолат-номасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аник муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнida бир–бирларини ишлар тўхтатилганини ҳакида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнida ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштиручи масалаларни кўриб чиқишилари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкландади.

4.7 Ўзаро хисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма харбнома берган санадан хисобланади.

### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асосиз равиша тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек хисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳак тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пеня тулади.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Лойихачи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пеня тўлади. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Лойихачи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишида олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўtkазиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(боскичлар)да камчилик ва нуксонлар пайдо бўлганда “Лойихачи” уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Лойихачи” ўтган боскич учун ҳисоб бермаса, кейинги боскич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси конунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топшириқ) ларга мос келмаса ва иш хажмлари тўлиқ лойиха-смета хужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойихачи” ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга ҳакли, “Лойихачи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳак тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани кайтаришни талаб қилишга ҳакли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳакидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета хужжатларида камчилик ва нуксонлар аниқланган тақдирда “Лойихачи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Лойихачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги конуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартном бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Лойихачи” ва “Буюртмачи” қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни мухокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойихачи” учун «форс-мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Лойихачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Лойихачи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўгрисида» ги конунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини З банк куни ичida хабардор қилишлари шарт.

### 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий хисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пурратчига берилади.

8.3 Шартнома **2022йил 31** декабрга кадар ўз кучида бўлади.

### 9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартериш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

### 10. Томонларнинг реквизитлари

#### БУЮРТМАЧИ

«Узсувтаъминот» АЖ «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниеринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий Андижон шаҳри, Чинабод ко`часи 59-уй.  
ИИН: 305980724. ОКОНХУ-90213  
ШХР: 301121860034017063204110045  
Андижон вилояти газначилик бошқармаси.  
Каз. счет: 23402000300100001010  
МББХ ХККМ. г. Ташкент МФО 00014  
СТИР Каз.под: 201122919

Бошқарма  
бошлиғи:



М. Ахунов

Хукукшунос:

ЛОЙИҲАЧИ  
“АРХСТРОЙСЕРВИС” КТИЧКИК  
Андижон вилоят филиали  
Андижон ш., Навоийшоҳ 100/102 уй  
Тел.: (+99874) 223-14-45  
Х/р: 20210000704225255001  
ТИФ Миллий банк Андижон шаҳар филиали  
МФО: 00074, ИИН: 204270417  
ОКОНХ: 95300

Директор:



К.Исмонов